



Criminal proceedings are in the form of a dispute case solving function

Gulnoza YUSUPDZHANOVA¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2024
Received in revised form
15 July 2024
Accepted 25 July 2024
Available online
15 August 2024

Keywords:

criminal process,
court, adversarial principle,
accusation,
defense,
function of resolving a
criminal case.

ABSTRACT

This article discusses a fundamental principle of criminal justice, emphasizing the necessity of separating the functions of accusation, defense, and case resolution during a trial. It asserts that these roles must not be combined or assigned to the same body or official, ensuring impartiality and fairness in legal proceedings. The adversarial nature of criminal proceedings is highlighted, stating that a criminal case should only proceed to court if there is a formal indictment approved by the prosecutor or if the prosecutor has filed a complaint seeking a specific judicial outcome. This separation of functions is crucial for maintaining the integrity of the legal process.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss7/S-pp147-151>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Жиноят судлов ишларини юритишнинг тортишув шаклида ишни ҳал қилиш функцияси

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

жиноят-процесси,
суд,
тортишув принципи,
айблов,
ҳимоя,
ишни ҳал қилиш
функцияси.

Иш судда кўрилаётганда айблов, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир бирдан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас. Жиноят судлов ишларини юритишнинг тортишув шакли шуни тақозо этадики, жиноят ишининг судда кўриб чиқилиши фақатгина прокурор томонидан тасдиқланган айблов ҳулосасининг мавжудлигида ёки жамоат айбловчисининг суд томонидан ўзининг даъво талабларининг қондирилишини талаб қилиб мурожаат қилган шикоятнинг мавжудлигида амалга оширилади.

¹ Lecturer, Department of Criminal Procedure Law, Tashkent State University of Law. E-mail: gusupdjanova@mail.ru

Функция разрешения уголовного дела в состязательной форме уголовного судопроизводства

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

уголовный процесс, суд, принцип состязательности, обвинение, защита, функция разрешения уголовного дела.

В данной статье рассматриваются принципы судебного разбирательства в уголовном процессе, где подчеркивается невозможность совмещения функций обвинения, защиты и разрешения дела одним органом или должностным лицом. Анализируется состязательная форма уголовного судопроизводства, согласно которой рассмотрение уголовного дела в суде возможно лишь при наличии обвинительного акта, утвержденного прокурором, или жалобы прокурора, направленной на удовлетворение своих требований судом.

“Принцип” тушунчаси бирор ҳодисанинг дастлабки бошланиши, назариянинг йўналишини белгилаб берувчи бошланғич нуқтани англатади. Жиноят процесси принциплари Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига мустақамланган асосий ғоялар бўлиб, у бутун жиноят процесси жараёнининг қурилишини, унинг табиатини белгилайди. Жиноят процесси принциплари деб, жиноят процесси институтлари шакли ва бошқичларининг тузилишини белгиловчи ва унинг олдида турган вазифаларини бажарилишини таъминловчи асосий ҳуқуқий қоидалар (умумий ва раҳбарий аҳамиятга эга бўлган нормалар)га айтилади [2].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасига асосан ишлар судда кўрилатганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади.

Иш судда кўрилатганда айблов, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас [3].

Тортишув тамойили жиноят процессининг марказий асосий принципларидан бири бўлиб, у жиноят-процессуал қонунчилигининг инъикоси ва маъносини англатади, жиноят-процессуал ҳуқуқининг кўп жиҳатларини ўзгартириб юборади. В.В. Новик ҳақли равишда “Низони адолатли ҳал этиш имкониятини яратувчи ва тўғри қарор қабул қилувчи тортишув ҳуқуқий маданиятнинг энг қимматли ютуғи деб эътироф этилади” [4] деб таъкидлаган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан то ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча бошқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Жиноятдан зарар кўрган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш айблов функцияси яъни, жиноятни очиш орқали амалга оширилади (ЎЗР ЖПК 15-м.). Айблов томонлари бўлиб, прокурор, терговчи, тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, суриштирувчи, жамоат айбловчиси, жабрланувчи ва унинг қонуний вакили, фуқаровий даъвогар ва унинг қонуний вакили ҳисобланади.

Шахсининг ноқонуний ва асослангилмаган айбловдан, жазодан, ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланишидан ҳимояланиши, ҳимоя томонлари – айбланувчи, унинг қонуний вакили, ҳимоячи, фуқаровий жавобгар, унинг вакили ва қонуний вакиллари томонидан олиб бориладиган фаолият – ҳимоя функцияси орқали амалга оширилади.

Тортишув принципи унинг иштирокчиларига қонунда белгиланган ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиб, ўзининг позициясини амалга оширишга имконият яратади. Бу ҳуқуқ тарафларга далиллар тўплаш, тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланишни кафолатлайди.

Жиноят-судлов ишларини юритишнинг тортишув шакли шуни тақозо этадики, жиноят ишининг судда кўриб чиқилиши фақатгина прокурор томонидан тасдиқланган айблов хулосасининг мавжудлигида ёки жамоат айбловчисининг суд томонидан ўзининг даъво талабларининг қондирилишини талаб қилиб мурожаат қилган шикоятнинг мавжудлигида амалга оширилади. Давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчисининг айбловдан воз кечиши, фуқаровий даъвогарнинг даъводан воз кечиши суд томонидан ишнинг тўлиқ ёки қисман тўхтатилишига асос бўлади. Шундай қилиб жиноят процессининг тортишув шакли қуйидаги учта белги орқали ифодаланади:

1. Томонларнинг мавжудлиги;
2. Уларнинг процессуал тенглиги;
3. Холислик ва беғаразликни ифодалаган ҳолда суднинг томонлардан мустақил ҳолда иш олиб бориши [5].

Шу ерда И.В. Тыричевнинг қуйидаги сўзларини таъкидлаш жоиз: “Айблов ва ҳимоянинг мустақил функция сифатида ажратилганлиги, уларнинг суд фаолиятидан бўлаклиги, процессдаги тортишувнинг асос тоши ҳисобланади. Ушбу асос олиб ташланса тортишувнинг амал қилиши бузилади” [6].

Процессуалист олимлар суд муҳокамасида тортишувни таъминлашнинг энг муҳим шарти холис суд эканлигини таъкидлашади. Жумладан, А.В. Смирнов ушбу тамойилнинг моҳиятини аниқлайдиган рақобатнинг қуйидаги асосий хусусиятларини санаб ўтади: 1. Прокуратура (ёки жиний таъқибни амалга оширувчи субъектлар) ва ҳимоядан иборат икки қарама-қарши томонининг мавжудлиги; 2. Процессуал тенглик ёки томонларнинг тенглиги, чунки танлов рақиб томонлар тахминан бир хил ҳуқуққа эга бўлгандагина адолатли деб ҳисобланиши мумкин; 3. У ёки бу томонни қўллаб-қувватлаш ваколатига эга бўлмаган, низо юзасидан қарор қабул қилувчи бетараф суднинг мавжудлиги ҳисобланади [7].

Жиноят процессидаги тортишувлик суднинг айблов ва ҳимоядан мустақил бўлиб, томонлар келтирган далил ва кўрсатмаларни баҳолаш эркинлиги ва шу тарзда беғараз ҳакам сифатида ишни адолатли ҳал қилишда намоён бўлади. Шу вақтдан суд томонидан шахсининг жиноят содир этганликда айбдор деб топилиши ва унга жазо тайинлаш ёки шахсининг айбдор эмаслиги ва оқланиши масаласи жиноят-процессидаги ишни ҳал қилиш функциясида кўринади.

Ишни ҳал қилиш функциясининг асосий мазмунини томонлар келтирган далилларнинг суд томонидан суд терговда бевосита текширилиши ва баҳоланиши, шахсининг айбдорлик ёки айбдор эмаслик масаласининг ҳал этилиши

ва шахснинг айбдор бўлган тақдирда унинг жавобгарлик масаласини кўриб чиқиб унга жазо тайинлаш ташкил қилади. Жиноят процессининг ушбу функцияси ишни судда кўриш босқичида амалга оширилади, модомики одил судловни фақатгина суд амалга оширади.

Ишни ҳал қилиш функциясининг дастлабки босқичи, яъни ишнинг биринчи инстанцияда кўрилиши ишни судда кўриш учун асосларнинг етарлилигини ва қонунийлигини текшириши ва адолатли ҳал қилиши билан боғлиқ. Кейинги босқичлар: кассация (апелляция) эса биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириб тасдиқлаш ёки рад этишдан иборат. Шунинг учун ҳам суд муҳокамаси жиноят процессининг нафақат муҳим балки асосий босқичи ҳисобланади.

Суд муҳокамасининг ўтказилиши, жиноят ишининг кўзғатилиши натижасида айблов ва ҳимоя функциялари ўртасида вужудга келадиган процессуал муносабатларнинг “энг баланд чўққиси”ни намоён қилади. Суд муҳокамаси – айбловнинг асосли эканлиги, шу туфайли ҳимояланувчи тарафнинг айблов юзасидан билдирган эътирозлари асоссиз, ёки аксинча, айблов хулосасининг асоссиз, унга эътироз билдирувчининг нуқтаи назари асосли эканлигини аниқлаб, ишни узил-кесил ҳал қилувчи босқичдир[8].

Судга, судьяга берилган ишни ҳал қилиш ваколати жиноят процессида иштирок этувчи биронта орган ёки мансабдор шахсга берилган эмас. Суд муҳокамасида давлат органи билан судланувчи ўртасидаги келишмовчилик шахс ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб ҳал қилинади. Агар судланувчининг айби судда текширилган ва баҳоланган далилларга асосан тўла тасдиғини топса, у айбдор деб эълон қилинади ҳамда республика номидан қилмишига яраша жазоланади, жазони ўтагандан кейин ҳам маълум вақтгача судланган деб ҳисобланади ва аксинча, судланувчининг айби исботланмаса у оқланади ва кўрган зарарлари қопланади. Демак бу босқичга шахс тақдирини ҳал қилишдек муҳим вазифа юклатилган[9].

Жиноят процессининг ишни ҳал қилиш функцияси, яъни суд муҳокамаси босқичидаги суднинг фаолияти ўзида барча процессуал функцияларни, ишни судгача юритиш босқичида аниқланган маълумотларни, жиноят процессининг барча босқичларини, процессуал-ҳуқуқий нормаларни, институтларни жамлаган ҳолда, жиноят процессининг негизини ёки моҳиятини ташкил қилади.

Юқоридаги фикрларни таҳлил қилган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, тортишув принципи ишда иштирок этадиган шахсларнинг процессуал муносабатларини белгилайди (тарафлар тортишув шароитида уларга белгиланган ҳимоя ёки айблов функциясини бажаради) ва ўз позицияларини, фикр ва эътирозларини билдиришда тенг процессуал ҳуқуқ ва имкониятларни яратади. Ушбу ҳуқуқий низо мустақил ва холис суд томонидан ҳал этилади. Қисқа қилиб айтганда, тортишув тамойилининг доираси бир томон иккинчисининг далилларини рад этса, иккинчи томон эса ўз навбатида ўз позициясини ҳимоя қиладиган бошқа далиллар келтиради ва ҳақиқат қарор топади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60 сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Саидов Б. А. Жиноят процесси принциплари: ўқув қўлланма / Б. А.Саидов, А.Ш. Умархонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 192 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>
4. Новик В.В. Состязательность сторон и противодействие адвоката уголовному преследованию: процессуальные и криминалистические аспекты // Вестник криминалистики. 2007. Вып. 2. С. 15.
5. Смирнов А.А. Состязательный процесс.- Спб.: Изд-во «Альфа», 2001, – С.19.
6. Тыричев И.В. Принципы уголовного процесса. – М., 1983.-С.46.
7. Смирнов А.В. Состязательный процесс. Спб.: Альфа, 2001. С. 19–27
8. Мухитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун, шакл. – Т., “Адолат”, 2002, 133б.
9. Жиноят процесси (Умумий қисм) Дарслик. З.Ф.Иноғомжонова умумий таҳрири остида. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2002. 133-б.